

A Brief Overview of the History of Kokand (Origins of Museums)

**“Inventions and discoveries, the flourishing of great craftsmanship,
Kokand is enlightened by science, knowledge, and art.”**

Literary Museum Staff Member

Nigora To‘raqulova

Abstract:

This article analyzes the governance of the Kokand Khanate, its historical development, its conquest by other states, and the cultural heritage within its territory, particularly museums and their origins. It also discusses their significance.

Keywords: Kokand Khanate, governance of the khanate, culture and architecture, the concept of a museum.

Қўқон тарихига қисқача назар ... (Музейларнинг келиб чиқиши)

**Ихтиролар-кашфлар юксак ҳунарнинг равнақи,
Илм-фан, санъат билан бағри чароғондир Қўқон.**

Адабиёт музей ходими: Н. Тўрақулова.

Аннотация: Ушбу мақолада Қўқон хонлигининг бошқаруви, унинг тарихий ривожланиши, бошқа давлатлар томонидан босиб олинishi ва худудидаги маданий мерос, хусууан музейлар ва уларнинг келиб чиқиши таҳлил қилинади ва аҳамияти фикр юритилади.

Калит сўзлар: Қўқон хонлиги, хонлик бошқаруви, маданият ва меморчилик, музей атамаси

Қайси томондан Қўқонга қараб юрманг, шаҳар ўзининг шинамлиги, латифлиги, жушманзаралиги, жозибадорлиги, гўзаллиги билан сизни ўзига мафтун этади. Унинг бунёдга келиш, кўзга кўриниш тарихи сирли асрларнинг қай бурчагида экан. Археологларнинг айтишларига қараганда ибтидоий жамоатчилик даврида ҳам Қўқон атрофидаги узоқ ғорларда одам истиқомат

қилган. Топилмалар анашуни тақозо этади. Баъзи тарихчиларнинг сўзларига қараганда ҳозирги шаҳар ўрни ўтиб бўлмас балчиқ ва кўллардан, кейинроқ ўрмон ва дарахтзорлардан иборат бўлган.

Кўқоннинг кенг ва кўркам кўчаларидан кириб бораркансиз кўкни ўпган турли дарахтлар. Ҳаммаёқни қоплаб олган турли боғ-роғлар кишига хузур бағишлайди. Бундай кезларда шаҳарнинг ўтмишига назар ташламасдан туролмайсан киши.

Аслида Кўқон қадимий шаҳарлардан бири ҳисобланади. X асрнинг сайёҳлари Ҳавокент ёки “Хўқан ва латиф шаҳарларини тилга оладилар. Бу шаҳар аҳолиси зич жойлашган Ҳиндистон, Хитой ва Европа қарвон йўлида ўрнашганлиги тарихда эътироф этилади. Кейинроқ шаҳарни муғиллар вайрон қиладилар. Янгидан тикланган бошлаган шаҳарни ўша давр кишилари “Қалъаи Раҳимбой” деб юритадилар, уни эски кўрғон ўрнида бунёдга келганини таъкидлайди. Раимбойнинг вориси Абдулқаримбой ўз мулки Хўжанда қолмай Кўқонга кўчиб келади ва уни кенгайтиришга киришади. XVIII асрда Фарғона водийсида мустақил Кўқон хонлиги тузилади. 70- йилларнинг ўрталаридан бошлаб то XVIII асрнинг охирларигача Норбўтабий бошқаради. Норбутабий хонлиги бошланиш дастлабки йилларидаёқ Чуст ва Наманган ҳокимларини таг-томири билан тугатиш зарурияти туғилиб қолади. Ёш хон қўзғолон кўтарган Хўжанд ҳокими устидан ғалаба қозониб, уни Кўқон хонлигига бутунлай қўшиб олади.

Кейинроқ расман феодал давлат сифатида Кўқон хонлиги шаклланади. 1800-1809 йилларда Олимхон ҳукмронлиги даврида марказлаштирилган кучли давлат тузиш учун бошлаган ҳаракати Кўқонлик задогонлар орасида норозилик туғдиради. Суиқасд йўли билан Олимхон ўлдирилади. Шундант сунг тахтга Олимхоннинг укаси Умархон ўтиради. 1815 йили Умархон Бухоро тасарруфидаги Туркистонга қарши юриб уни босиб олади, аҳолини қаттиқ талайди.

Туркистонниг олиниси – Сирдарё қуйилиш жойигача бўлган қозоқ чўлларининг диярли ҳаммасини Қўқон хонлигига ўтишига олиб келади. Тошкент, Бухоро ва Хивадан Оренбургга борадиган катта карвон йўллари туташган ерда қўқонликлар томонидан Оқмачит қалъаси қурилади.

1822 йилда тахтга чиққан Умархонинг ўғли Маъдалихон Бухоро амири томонидан 1842 йилда ўлдирилгандан сунг, Бухоро амири Насруллонинг жабр-зулмидан сабр –косаси тулган қўқонликлар қипчоқлар билан тил бириктириб, Олимхонинг Толос қишлоғида яшаган амакиваччаси Шералихон хон қилиб кўтариб Қўқонга юриш қилади. Қипчоқлар билан бирлашиб кетган Шералихон ўлдирилиб, унинг ўрнига Олимхоннинг ўғли Муродхонни Ўратепадан чақириб тахтга миндирди Мусулмонқул бошлиқ кўчманчи қипчоқлар Қўқон устига юриш бошлаб Муродхонни қатл қиладилар. Тахтга 1845 йили Шералихоннинг ўғли 13 ёшли Худоёрхон чиқади. Мана шу тариқа қонунсиз ҳаракатлар, ҳисобсиз солиқлар ва қонли феодал уришлар халқнинг тилкасини қуритади. Норозилик ҳаракати кучайди. Пулатхон бошчилигида кўзғолон кўтарилди. Революцион тусдаги бу кўзғолон реакционлашиб кетди Худоёрхон уч марта хонликдан қувилди. Охириги марта 1875 йилда у руслар паноҳига қочди. Шу тариқа 1876 йил 19 февралда Қўқон хонлиги батамом Россияга қўшиб олинди.

Мана шундай талофат ва қийинчиликларга қарамай шаҳар ўз салобати ва меъмори обидаларини ўзида сақлаб қола олди десак янгилишмаймиз. Бунинг мисоли тариқасида Хон урдасини келтирмасликни иложи йўқ албатта. Ўрда қадам қуяр экансиз ўша давр усталарининг моҳирона санъатига қоил қоласан киши. Ўрда тўрт бурчак. Қуёш томони хаддан ташқари гўзаллаштириб, ранго-ранг ўчмас буёқлар билан ишланган. Қолган томонлари Ўрдани ёвдан сақлаш учун қурилган мудофаа иншоотлари, хонақа-ю ва хоначалардан иборат. 1870 йилда тўрт метр баланд қилиб қурилган хон саройи Қўқон хонлигининг охириги

хони Худоёрхон томонидан тикланган. Шунча талофатларни кечирган бу саройнинг hozirgi кунгача маълум бир зал ва бинолари сақланиб қолган холос. Бир неча йиллардан сунг ушбу тарихи обида районлараро музей бўлиб қолди 1958 йилдан бошлаб эса шаҳар ўлкани ўрганиш музейига айланди.

Хўш музей ўзи нима? У қандай вазифаларни бажаради?- деган саволга “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” китобидан шундай жавоб олишимиз мумкун: “Музейлар (юнонча сўздан олинган бўлиб музаларга бағишланган жой)- тарихий, модди ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш, тарғиб қилиш ишларини амалга оширувчи илмий- маърифий муассадир.

Музейнинг пайдо бўлиш тарихи ўзоқ ўтмиш тарихга бориб тақалади. Музей ўтмишдан бизга мерос бўлиб келаётган кимматли ва асл буюмларни ўзида сақлаш орақали ўзоқ ўтмиш тарихимизни ўзида мужассам қилиб бера оладиган муасаса десак янглишмаймиз. Мана шу тариқа аҳолига ҳизмат қилиб ўз тарофати ва шаҳарнинг хуснига –хусн кўшиб келаётган бу сарой нафақат маҳаллий аҳоли ва чет эллик сайёҳларни ҳам диққатини жалб қилиб, шаҳарнинг ўтмиш тарихини сўзлаб бермоқда десак янглишмаймиз. Юқорида келтирилган ўлкани ўрганиш музейи ҳозирда Қўқон давлат музей-қўриқхонасига айланган. Критдаги Кнос сарой хазинаси (мил. ав. 16- аср) Ванлар саройи ва инк коҳинлар архиви (мил. ав. 13-14 асрлар, Хитой) Ниневия сарой кутубхонаси (мил. ав. 7-а.) шулар жумласидандир”. Мана шу тариқа музейлар аста –секин шакилланиб борганлигин кўришимиз мумкин. Ўзбекистонда 19 асрнинг 2-чи ярмида ташкил этила бошлаган 20- асрнинг 2чи ярмида фақатгина 3та музей –Тошкент ўлкашунослик музейи, (Ҳозирда 1876 йилда ташкил этилган Ўзбекистон тарихи музей), Самарқанд халқ музейи (1899 йил, ҳозирда Акмал Икромов номидаги Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи музейи) , Фарғона халқ музейи (1899йил, ҳозирда фарғона вилоят ўлкашунослик музейи) бор эди. Лекин

уларнинг тўпламлари кам, экспозитциялари эса тасодифий материаллардан ташкил топган эди. Кейинчалик музейлар сони кўпайиб аста –секинлик билан давлат ихтиёрига муҳофаза қилина бошлади. Илмий экспозитциялар уюштирилиб, музей учун коллекциялар тўплаш ишлари йўлга қўйилди. Шу тариқа кўплаб музейлар ташкил қилинди. Мана шулар жумласида ҳар бир шаҳарнинг ўзига хос тарихи обидаларини сақлаш, уларни тарихи, ўтмишини намоён қилган ҳолда халқ онгида ватанга бўлган меҳр-оқибат ва эҳтиромни сақлаш тариқасида ҳар бир шаҳар музейлар сони кўпайтирилди десак янглишмаймиз. Шулар қаторида ўзнинг бой тарихи билан ажралиб турадиган тарифи тилларда дoston бўлган Қўқон шаҳри алоҳида диққатга сазовордир.

Қўқон ҳозирги кунгача нафақат хон саройи балки бир қанча тарихий ва архитектура ёдгорликларини сақлаган кўхна шаҳарлардан бири ҳисобланади. Мана шундай тарихи ёдгорлик ҳисобланган биноларнинг маълумлари ҳозирги кунда Қўқон давлат музей- қўриқхонасининг филиали сифатида аҳолига хизмат қилиб келаётганлиги сир эмас. Музейлар нафақат тарихни балки ватанга бўлган меҳр-оқибатни ўргатади. Шунингдек унинг ичида сақланаётган барча материаллар келажак авлодни таълим –тарбия ишларини олиб бориши ва халқининг ўтмиши келажакда меҳр-оқибатли қилиб тарбиялашда муҳим вазифа бажаради.

И. Тухтасинов. “Қўқон.” Тошкент-1968 йил. 49-50 бетлар

И. Тухтасинов. “Қўқон.” Тошкент-1968 йил. 57-66 бетлар.

Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси 6-том 114 бетлар.